

نِيبِطٍ نَمَّ سَمَوِيَّ بَأَيْتِ نَسْحٍ أَمَّ سَبَلٍ وَءِ عُمُجَلِ مَوِيَّ لَسْتِ غَا نَمَّ «: طَفَلَبِ دَوَادِ
هُلُّهُ لَلْبَتِّ كَأَمَّ يَلِّصُ مَثَّ سَانِ لَلْأَقَانِ عَأَطَّ حَتِّي مَلَفَ عُمُجَلِ لِي تَأْمُثُ هَدَنَعِ نَأَكِ
نِيَّ بَوَّ أَوَّ نِيَّ بَأَمَلِ رَفَّ كَتَنَأَكِ هَوَّ لَصِّ نَمَّ عُرْفِيَّ يَّ حَهُمَّ إِجْرَحَ إِذِي تَصَّنَأْمُثُ
«أَهَلِّبَقِي تَلِّ هَوَّ عُمُجُ».

Салмони Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирор киши жума куни ғусл қилса, имкон қадар тозаланса, (соч-соқолини) мой билан мойласа ёки уйдаги хушбўй нарсадан суриб, сўнг (масжидга) чиқса ва икки кишининг ўртасидан оралаб ўтмаса, сўнгра насиб қилинганича намоз ўқиса, кейин имом сўзлаганда жим қулоқ солса, унинг бу (жума) билан нариги жума орасидагилари (гуноҳлари) албатта мағфират қилинади», дедилар».

Абу Ҳурайра: **«Уч кун зиёдаси билан. Чунки ҳар бир яхшилик ўн мислга кўпайтирилур», деди».**

Икки шайх ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Ким жума куни ғусл қилиб, энг яхши либосларидан кийса, агар хушбўй нарсаси бўлса, ундан суртса, сўнгра жумага бориб, одамларнинг елкасига туртмаса, кейин Аллоҳ унга битган намозни ўқиса, имоми чиқса, у намозидан фориг бўлгунча қулоқ осса, бу (жума) билан ундан олдинги жума орасидаги нарсага каффорот бўлади», дейилган.

4. Жумага виқор ва сакина билан эрта бориш.

لَأَقِ مَلَسَوِيَّ لَعُ هَلِّ لَلِصَّ هَلِّ لَلْأَوْسَرِّ نَأُ: هُنَّ عُهُلُّ لِي يَضْرَبُ رِبَاجَ رِيَّ رِهَ بَأَنْ عَ
بَرَّقِ مِّنْ أَكْفِ لَوُؤَالِ عَأَسَلِ لِي حَارٌّ مَثَّ ءَبَانِ جَلِّ لَسُغِ عُمُجَلِ لَمَوِيَّ لَسْتِ غَا نَمَّ «
عَأَسَلِ لِي حَارٌّ نَمَّ، رَقَبَ بَرَّقِ مِّنْ أَكْفِ ءَبَانِ لَعَأَسَلِ لِي حَارٌّ نَمَّ، نَدَبَ
بَرَّقِ مِّنْ أَكْفِ عَبَّارِ لَعَأَسَلِ لِي حَارٌّ نَمَّ، نَرَقَّ أَشْبَكَ بَرَّقِ مِّنْ أَكْفِ ءَبَانِ لَعَأَسَلِ
لَتَرَضَحُ مَأْمِلِ لَجْرَحِ إِذِي، ءَضِيَّ بَرَّقِ مِّنْ أَكْفِ ءَبَانِ لَعَأَسَلِ لِي حَارٌّ نَمَّ، ءَجَّ دَ
ءَسْمِ جَلِّ هَأَوْرَ. «رُكُّ دَلَّ نُوَعَمَّ تَسِيَّ ءَكَّ ءَلِّ مَلِّ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким жума куни жанобат ғуслини қилса, сўнгра биринчи вақтда борса, худди (Аллоҳга) битта туя сўйгандек бўлади. Ким иккинчи вақтда борса, худди битта сигир сўйгандек бўлади. Ким учинчи

вақтда борса, худди битта шохдор қўчқор сўйгандек бўлади. Ким тўртинчи вақтда борса, худди битта товуқ сўйгандек, ким бешинчи вақтда борса, худди бир тухум атагандек бўлади. Имом (минбарга) чиққанда эса фаришталар зикр(хутба)ни эшитишга ҳозир бўладилар», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.